



SOME ASPECTS OF THE DIFFERENCE BETWEEN CRIMES AGAINST ENVIRONMENT PROTECTION AND THE USE OF NATURAL RESOURCES AND ADMINISTRATIVE OFFENSES

S.Sh.Utemuratova

Associate Professor of Karakalpak State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11544909>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 09th June 2024

Online: 10th June 2024

KEYWORDS

Environmental protection, use of nature, crimes in the field of ecology, ecological situation, Code of Administrative Responsibility of the Republic of Uzbekistan, Criminal Code.

ABSTRACT

This article analyzes aspects of interdependence of administrative and criminal liability for violations in the field of ecology.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФЙДАЛАНИШГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

С.Ш.Утемурадова

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11544909>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 09th June 2024

Online: 10th June 2024

KEYWORDS

Атроф-муҳит муҳофазаси, табиатдан фойдаланиш, экология соҳасидаги жиноятлар, экологик вазият, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси.

ABSTRACT

Ушбу мақолада экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари таҳлил қилинади.



Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга қарши жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар ўртасидаги фарқ махсус субъектга кўра амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг умумий субъекти (жисмоний шахс) эса мазмунан жинойи ва маъмурий қонун ҳужжатларида бир хилдир.

Махсус субъект бўйича ажратишда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда “мансабдор шахс” тушунчасининг “ўз хизмат мавқеидан фойдаланувчи шахс” тушунчасига нисбатан кенгроқ талқин қилиниши эътиборга лойиқ. Мансабдор шахс тушунчасининг маъмурий-ҳуқуқий таърифи нафақат раҳбарларни, балки ташкилотлардаги ташкилий-тақсимлаш ва маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи бошқа ходимларини ҳам ўз ичига олади. Маъмурий қонунчиликда мансабдор шахс тушунчасининг кўлами нафақат мансабдор шахснинг жинойи-ҳуқуқий тоифасидан, балки “ўз мансаб мавқеидан фойдаланган шахс” тушунчасидан ҳам кенгроқдир шу сабабли, экологик ҳуқуқбузарликларини фарқлашда ушбу ҳолатни ҳисобга олиш керак.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларни суд амалиётида қўллашда маъмурий ҳуқуқбузарлик айбининг шакли масаласига жиддий эътибор берилмайди. Бу, энг аввало, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 11 ва 12-моддасида Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш ва Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш деб ажратиш кўрсатувчи қоида билан боғлиқ. Бу ерда жиноят қонунчилигидаги каби қасд ва эҳтиётсизлик турлари ҳақида сўз юритилмайди. Маъмурий жараёнда айбнинг шакллари аниқлаш маъмурий ҳуқуқбузарликни квалификация қилиш учун аҳамиятли эмас ёки тайинланаётган маъмурий жазога жиддий таъсир кўрсатмайди.

Субектив томонининг белгилари - мотив ва мақсад экология соҳасидаги жиноятларда шунингдек экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликда зарурий белги сифатида кўрсатилмаган. Айбдорнинг ҳаракатларида мотив ва мақсадни аниқлаш экология соҳасидаги ноқонуний тажовузнинг юридик квалификациясига таъсир қилмайди. Лекин, улар жинойи ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

Умумэътироф этилган фикрга кўра, маъмурий экологик ҳуқуқбузарлик экологик тартибни, фуқароларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини, табиий ресурсларга эгаллик ҳуқуқини ва табиий ресурсларни бошқариш тартибини бузадиган, атроф-муҳитга зарар етказган ёки етказиши мумкин бўлган ва қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарлик назарда тутилган қонунга хилоф, айбли (қасддан ва эҳтиётсизлик) ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб тан олинади. Маъмурий жавобгарликни қўллашни амалга ошириш – бунинг учун ваколатли ижро этувчи органлар ушбу соҳада техник билимларга эга бўлиши керак. Маъмурий жазолар жинойи жазо каби кучли маънавий танқидни ўз ичига олмайди ва мансабдор шахсларга камроқ таъсир қилади.

Маъмурий жазо - жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа



шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ушбу мақсадларга эришишга қараб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларини бузганлик учун маъмурий жазоларнинг самарадорлиги ҳақида гапириш мумкин. Маъмурий жавобгарлик самарадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган жазоларнинг қонун ҳужжатларига риоя қилишга масъул шахслар ва қонунни бузган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартиришдаги ролини белгилаш керак.

Экология соҳасидаги жиноятлардан фарқли ўлароқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар жамоат танқидига лойиқ хатти-ҳаракатлар сифатида қабул қилинмайди. Аксарият ҳолларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбдор бўлган шахс жаримага тортилади. Масалан, 2021 йилнинг 9 ойи мобайнида соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган шахсларга 32 миллиард сўм маъмурий жарима ва табиатга етказилган зарарлар ҳисобланиб, 16,3 миллиард сўм ундириб олинган [1]. 2022 йил қонунбузарларга 20,9 млрд сўм маъмурий жарима ва табиатга етказилган зарар ҳисобланиб, 11,4 млрд сўм ундирилган [2]. 2023 йил эса қонунбузарларга 45,3 млрд сўм маъмурий жарима ва табиатга етказилган зарарлар ҳисобланиб, 30 млрд сўмдан ортиқ маблағлар ундирилган. Соҳага оид аниқланган қонунбузарликлар учун белгиланган жарималар суммаси эса ўтган йилга нисбатан 22 фоизга ортган [3]. Бошқа жазо турлари жуда камдан-кам ҳолларда қўлланилади.

Баъзида ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли бўлган предметни олиб қўйиш ёки мусодара қилиш тарзида жазо қўлланилади. Масалан, 2021-йил ҳуқуқбузарлардан 376 дона ҳайвон ва парранда, 1 900 килограмм балиқ, 49 637 килограмм доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликлар, 1520 метр куб ўтин, 45 та ов қурол ва 570 та аслаҳа ва бошқа инвентарлар олиб қўйилган [4].

Аксарият ҳолларда маъмурий жарима ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали усул эмас. Бунга браконерлик, аҳоли пунктларида дарахтлар ва кўчатларни ноқонуний кесиш, сувни муҳофаза қилиш зоналарида ноқонуний қурилишлар мисол бўла олади. Бу, жумладан, ижтимоий-иқтисодий муаммолар (ҳуқуқбузарнинг ягона даромад манбаи сифатида ноқонуний фаолиятга қарамлиги; ҳуқуқбузарнинг маъмурий жарима солиниши мумкин бўлган расмий даромадига эга эмаслиги, ноқонуний фаолиятдан олинган иқтисодий фойданинг белгиланган жарима миқдорига нисбатан номуносиблиги) билан боғлиқ.

Халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарга моддий ва номоддий бойликларни йўқотмаган ҳолда ҳуқуқбузарликни бартараф этиш учун етарли имконият яратади. Улар консенсуал экологик мувофиқлик маданиятига эга мамлакатларда ҳам (масалан, Финляндия ёки Япония) ва расмий мажбурий воситалар кенг қўлланиладиган мамлакатларда ҳам (масалан, Нидерландия ёки Буюк Британия) жуда самарали бўлиши мумкин.

Японияда маъмурий чора қўллашнинг мақсади жазо қўллаш эмас, балки маъмурий кўрсатмалар бериш орқали корхоналар томонидан норматив талабларга



риоя этилишини рағбатлантиради. Кўпгина корхоналар ҳақиқатдан ҳам бунга риоя қилиш учун чоралар кўради: ҳукумат аралашуви жазо чораси сифатида кўрилади ва япон компаниясининг обрўсини йўқотиши бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ тўхтатувчи омил бўлиши мумкин. Қаттиқроқ чоралар фақат рухсат этилган максимал чиқиндилар миқдори сезиларли даражада ёки такрорий ошиб кетган тақдирда қўлланилади [5].

Худди шундай, Финляндияда, агар қоидабузарлик аниқланса, атроф-муҳитга мослашишга қайтиш учун тузатувчи ҳаракатлар режасини тақдим этишга рухсат берилади. Агар айбдор атроф-муҳитга мувофиқлик режасини тақдим қилмаса ёки ваколатли орган унинг чораларини этарли эмас деб ҳисобласа, ваколатли орган мувофиқлик тўғрисида билдиришнома беради [6].

Мувофиқлик тўғрисидаги билдиришнома чиқарилганда ҳам, у ўз-ўзидан жазо чораси ҳисобланади (чунки у оммавий равишда эълон қилинади) ва камдан-кам ҳолларда жаримага олиб келади.

Нидерландияда, қоидабузарлик аниқланганда ваколатли орган кўпинча норасмий оғзаки огоҳлантириш беради. Қоидабузарлик аниқланганлиги тўғрисида оғзаки огоҳлантириш инспектор томонидан жойида ёки унинг офисидан телефон орқали берилиши мумкин.

Агар қоидабузарлик ўз вақтида тузатилган бўлса, қасддан содир этилмаган бўлса, у якка тартибдаги ҳодиса бўлиб, чекланган кўламдаги ҳуқуқбузарлик ва атроф-муҳитга таъсири чекланган бўлса ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа кўрсаткичлари қониқарли бўлган оператор томонидан содир этилган бўлса, маъмурий жазо қўлланилмайди. Жазо фақат тахминан 7% ҳолларда қўлланилади. Яна бир мисол: Англия ва Уэлсдаги қоидабузарликларнинг 70% дан ортиғи ишонтириш йўли билан, 20% дан камроғи эса маъмурий жазо қўлланилиши тўғрисида хабарнома билан ҳал қилинади (қолган ҳолатларда суд айблови амалга оширилади) [7].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий жазоларнинг самарадорлигига юқорида кўриб чиқилганлардан ташқари қуйидаги ҳолатлар ҳам таъсир кўрсатади: маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг етарли даражада самарали эмаслиги; маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва қарорлар чиқариш тартибининг тарбиявий таъсирининг заифлиги; қарорлар ижроси таъминламаслик; жазонинг содир этилган ҳуқуқбузарликка мос келмаслиги; маъмурий жазо амалиётининг барқарор эмаслиги; ҳуқуқ субъектларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бўйича билимларининг пастлиги; ҳуқуқни қўллаш органлари обрўсининг пастлиги.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда экологияга келтирилган зарарни бартараф этилишига жиддий эътибор берилиш керак, яъни айдога ҳуқуқбузарлик натижасида келтирилган зарарни бартараф этиш учун етарли имконият яратилиши керак. Асосий эътибор, жазо қўллаш эмас, балки маъмурий кўрсатмалар бериш орқали келтирилган зарарни бартараф этилишини рағбатлантириш бўлиши керак.



Умуман олганда, жиноий ва маъмурий жавобгарлик ўртасида нозик чегара мавжуд. Шунинг учун қонунга хилоф қилмишни тўғри квалификация қилиш учун жиноят таркибининг барча белгиларини пухта ўрганиш лозим. Агар бирор-бир нарса эътибордан четда қолса, маъмурий жавобгарлик жиноий жавобгарликка айланиши ва аксинча бўлиши мумкин.

References:

1. Ўзбекистонда 2021 йилнинг 9 ойида қонунбузарлардан 16,3 млрд сўм ундириб олинган — Экология қўмитаси URL:<https://daryo.uz/k/2021/10/29/ozbekistonda-2021-yilning-9-oyida-qonunbuzarlardan-163-mlrd-som-undirib-olingan-ekologiya-qomitasi>
2. Экологияга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган 25 мингдан ортиқ шахс аниқланди URL:<https://kun.uz/kr/news/2022/07/15/ekologiyaga-oid-qonuncxilik-hujjatlari-talablarini-buzgan-25-mingdan-ortiq-shaxs-aniqlandi>
3. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан 2023 йилда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида маълумот. [Электрон манба]. URL:<https://www.uznature.uz/yz> (Мурожат этилган вақт 5.05.2024).
4. URL:<https://daryo.uz/k/2021/10/29/ozbekistonda-2021-yilning-9-oyida-qonunbuzarlardan-163-mlrd-som-undirib-olingan-ekologiya-qomitasi>.
5. Министерство охраны окружающей среды Японии, ответы на вопросник ОЭСР, 2007 г. Источник: ОЭСР (2008). «Системы экологического контроля: межстрановой анализ» (OECD (2008). Environmental Compliance Assurance Systems: A Cross-Country Analysis).
6. Министерство охраны окружающей среды Финляндии, 2007 г. Источник: ОЭСР (2008). «Системы экологического контроля: межстрановой анализ» (OECD (2008). Environmental Compliance Assurance Systems: A Cross-Country Analysis).
7. Агентство по охране окружающей среды, 2007 г. Источник: ОЭСР (2008). «Системы экологического контроля: межстрановой анализ» (OECD (2008). Environmental Compliance Assurance Systems: A Cross-Country Analysis